



ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИАТИ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
“Ижтимоий фанлар ва ҳуқуқ” кафедраси доценти
Валиев Ботир Носирович

Аннотация. Мақолада иқтисодий маданият тушунчасининг моҳияти ва концептуал асослари фалсафий-методологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Аввало, маданият категориясининг мазмун-моҳияти, унинг турли фанлардаги талқинлари ва диалектик ёндашув асосидаги умумий хусусиятлари ёритилган. Шу асосда иқтисодий маданиятнинг таркибий элементлари, функциялари, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти очиб берилган. Иқтисодий маданият инсон фаолияти, иқтисодий онг, билим, қадриятлар ва амалий ҳаракатлар бирлиги сифатида талқин қилиниб, унинг замонавий бозор муносабатлари шароитидаги аҳамияти асосланган.

Калит сўзлар. иқтисодий маданият, маданият, фалсафий таҳлил, диалектик ёндашув, иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур, ижтимоий фаолият, қадриятлар, бозор муносабатлари, инсон омили, иқтисодий билим, ижодий фаолият

Сущность и концептуальные основы понятия экономической культуры

Аннотация. В статье с философско-методологической точки зрения проанализированы сущность и концептуальные основы понятия экономической культуры. Прежде всего раскрываются содержание и сущность категории культуры, её интерпретации в различных науках, а также общие характеристики на основе диалектического подхода. На этой основе освещаются структурные элементы экономической культуры, её функции, роль и значение в общественной жизни. Экономическая культура трактуется как единство человеческой деятельности, экономического



сознания, знаний, ценностей и практических действий, а также обосновывается её значение в условиях современной рыночной экономики.

Ключевые слова: экономическая культура, культура, философский анализ, диалектический подход, экономическое сознание, экономическое мышление, социальная деятельность, ценности, рыночные отношения, человеческий фактор, экономические знания, творческая деятельность

The Essence and Conceptual Foundations of the Concept of Economic Culture

Abstract. *The article analyzes the essence and conceptual foundations of the concept of economic culture from a philosophical and methodological perspective. First, the content and essence of the category of culture, its interpretations across various disciplines, and its general characteristics based on the dialectical approach are examined. On this basis, the structural elements, functions, role, and significance of economic culture in social life are revealed. Economic culture is interpreted as a unity of human activity, economic consciousness, knowledge, values, and practical actions, and its importance in the context of a modern market economy is substantiated.*

Keywords: *economic culture, culture, philosophical analysis, dialectical approach, economic consciousness, economic thinking, social activity, values, market relations, human factor, economic knowledge, creative activity*

«Иқтисодий маданият» ҳодисасини фалсафий нуқтаи назардан ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини, структураси ва асосий элементларини, функциялари ва намоён бўлиш хусусиятларини назарий-методологик таҳлил қилиб олишни тақозо этади.

«Иқтисодий маданият» тушунчасини таҳлил қилишни «маданият» категориясининг мазмунини қисқача ёритиш билан бошлаш лозим. Зеро, бошланғич, умумий тушунча бўлмиш маданиятни тўғри илмий талқин этиб олмасдан туриб, иқтисодий маданиятнинг моҳиятига кириб бориш қийин.



Маданият, унинг моҳияти ва шакллари тўғрисида илмий манба ва ёндашувлар кўп. Маданият ҳодисаларини кўпчилик фанлар-культурология, археология ва этнография, тарих ва социология, санъатшунослик, ахлоқшунослик, диншунослик ва бошқалар ҳам тадқиқ этади. Буларнинг ҳар бири маданият ҳақида ўз соҳалари доирасида маълум тасаввурларни шакллантиради.

Масалан, археология учун маданият ўтган даврлардаги кишилар фаолиятининг маҳсули бўлмиш моддий ашёлар ҳамда уларнинг бизгача етиб келган қолдиқларини ўрганиш билан алоқадорликда олиб кўрилади. Этнография эса бошқа бир қатор масалалар каби у ёки бу халқ маданиятини ўрганади. Санъатшунослик учун маданият-энг аввало кишиларнинг бадиий фаолияти ҳамда унинг натижаларидан иборат.

Кўриниб турибдики, маданиятни ҳар-хил фанларда талқин этиш турличадир. Илмий адабиётларда маданиятнинг бизга маълум 500 дан ортиқ таърифлари учрайди. Бу эса нафақат хусусий фанларнинг ўзига хос йўналишлари билан, балки дунёқарашлик мавқеларининг турлилиги ва ҳатто бир хил дунёқараш доирасида маданиятни тушунтиришдаги ёндашувларнинг ҳар-хил эканлиги билан ҳам боғлиқ. Худди шу ҳол маданиятни фалсафий таҳлил қилишга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Бундай таҳлил маданиятнинг эмпирик намоён бўлишини эмас, балки уни зарурий алоқалари, боғланишлари билан яхлит ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг муҳим ҳодисаси сифатидаги моҳиятини очган ҳолда тасаввур қилиш имконини беради.

Бизнингча, маданиятни илмий-фалсафий талқин этишда диалектик услубдан фойдаланиш маъқул. Зеро, маданият тушунчаси ўзида ифодаланувчи ҳодисанинг кўп қирралилиги сабабли жуда мураккаб ҳисобланади. Диалектик ёндашув эса, уни ҳар томонлама ва яхлит ҳолда, барча алоқадорликлари ва муносабатлари орқали, доимо ўзгаришда олиб тушунтириш имконини беради. Биз диалектик услубни тоталитаризм даврига хос бўлган мутлақлаштириш фикридан йироқмиз. Аммо, жаҳон фалсафасида кенг эътироф этилган мазкур



услубни қўлламасликни ҳам методологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

«Маданият» термини асли арабча-мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрганлик маъноларини англатсада¹, мазмунан жаҳонда кенг тарқалган ва эътироф этилган «cultura» тушунчасининг ўзбек тилидаги ифодаси сифатида қабул қилинган². Бу тушунчанинг дастлабки номинал мазмунидаёқ (лотинчада cultura-ерга ишлов бериш) атроф муҳитни табиий ҳолдаги таъсирлардан фарқли ўлароқ, инсон, унинг фаолияти натижасида ўзгартириш ўз ифодасини топган эди. Бу эса аввал-бошданок маданиятнинг жуда муҳим хусусиятини, яъни инсон ва унинг фаолияти билан узвий бирлигини акс эттиради.

Баъзи ҳолларда, маданиятни кенг маънода жами табиий ҳодисалардан фарқланувчи ва кишилар томонидан уларнинг фаолияти орқали яратилган барча нарсалар сифатида талқин этилиши ҳам инсон, унинг фаолияти ва ижтимоий муносабатлар бор жойда маданият ҳам бўлишига эътиборни қаратади. Илмий адабиётларда маданиятни талқин этишлар турлича бўлиши билан бирга, уларнинг ёндашувлари учун умумий бўлган фикрларни ҳам кўриш мумкин.

XX асрнинг 60-йилларида маданиятни инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи сифатида тушуниш кенг тарқалган эди. Кейинроқ, маданиятни назарий жиҳатдан ўрганишнинг ривожланиши давомида икки хил нуқтаи-назар ажралиб чикди. Биринчи нуқтаи-назар тарафдорлари маданиятни ижодий-яратувчанлик фаолияти жараёни сифатида талқин этсалар, иккинчи томон вакиллари маданиятни кишилар ижтимоий ҳаётининг умумий, универсал хоссаси сифатида олиб тушунтирардилар. Иккала нуқтаи-назарни маданиятни фаолият орқали талқин этиш бирлаштирган эди.

¹ Қаранг: Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат.-Т. Шарқ, 1998. 104-бет.

² Қаранг: Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация. –Фарғона, 2000.6-б.



Таҳлил шундан далолат берадики, маданиятни таърифлашдаги турлича ёндашувлар ўз навбатида бундай мураккаб ҳодисани билишдаги алоҳида босқичлар, унинг мазмунини янада кенгроқ ва чуқурроқ ёритиб бориш йўлида қўйилган изчил қадамлар бўлиб хизмат қилади. Масалан, маданиятни моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи сифатида тушунтириш мазкур ҳодисанинг мазмуни ва тузилишини тадқиқ қилишга ундади, уни кишиларнинг ижтимоий борлиқни ўзлаштириш меъёри бўлишдек хоссасини очиб бериш имконини берди. Бироқ, бундай ёндашувда маданий бойлик ва неъматларнинг инсон фаолияти билан алоқаси эътиборсиз қолаверди.

Маданиятни фаолият нуқтаи-назаридан талқин этиш ёрдамида унинг фаоллик тарзида намоён бўлиши, кишиларнинг моддий ва маънавий ўзгартирувчан фаолияти билан узвий алоқаси ўз ифодасини топади. Бунда маданият фаолиятнинг характерини белгиловчи муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Лекин, шунга қарамай бундай ёндашувда тадқиқ этилаётган ҳодисани ўзининг мазмуни тўлиқ ёритилмай қолиши мумкин.

Маданият ва бунёдкор, ўзгартирувчан фаолият узвий алоқадорликда бўлсада, ўзаро тенг тушунчалар эмас. Уларнинг алоқадорлиги шунда ифодаланадики, маданият кишилар фаолиятининг маҳсули бўлса, фаолият конкрет тарихий - маданий муҳитда ва шу муҳит воситасидагина намоён бўлади ва амалга ошади, ўз навбатида эса фаолият жараёнида маданий қадриятлар ўзлаштирилади, қайта яратилади, кўпайтирилади. Фаолият ва маданият тушунчаларини фарқлаш йўлида қилинган хулосалар чуқур илмий аҳамият касб этади. Уларда таъкидланишича, маданият тушунчаси инсон фаолиятининг ўзини эмас, балки бу фаолият амалга ошишининг махсус усулини ифодалайди³. Бу фикр маданиятнинг моҳиятини очиб беришда муҳим ўрин эгаллайди. Лекин, маданият фақат фаолият усуллари билангина чекланиб қололмаслигини ҳисобга олсак, уни оламни ўзлаштириш ва ўз моҳиятини намоён этиш борасидаги инсон фаолиятининг универсал усули ҳамда шундай

³ Қаранг: Барулин В.С. Социальная философия: Учебник. -М.: ФАИР-ПРЕСС, 1999. -С.404-407



фаолият натижаларнинг мажмуи сифатида олиб қараш ҳам мумкин деб ҳисоблаймиз. Зеро, маданият бир вақтда ҳам фаолият ва воқелик, ҳам муносабат ва ҳодиса, ҳамда муҳим инсоний кадриятдир.

Маданият моҳиятини аниқлашда-унинг ҳар қандай ташқи ифодаланиши инсон камолоти даражасининг намоён бўлиши эканидан келиб чиқиш ҳам муҳимдир⁴. Инсондан алоҳида олинган, моддийлашган «маданият» динамикадан, ҳаракатдан, ҳаётгийликдан маҳрум бўлади. Ҳақиқий, жонли маданият ижтимоийликдан, инсондан, яъни маданиятнинг субъектидан ажралмасдир. Инсон ҳаёт-фаолияти жараёнида ўзини маданий-тарихий мавжудот сифатида шакллантиради. Кишининг инсоний сифатлари (фазилатлари) унинг тафаккур ва нутққа эгаллиги, жамиятдаги мавжуд кадриятлар ва анъаналарни ўзлаштириши, мазкур маданиятга хос бўлган фаолият усуллари ҳамда малакаларини эгаллаши кабиларнинг натижасидир. Табиий-биологик жиҳатдан инсонга маълум тузилиш, қобилият, функцияларга эга бўлган организм берилган ҳалос. Шунинг учун, инсон маданиятини ундаги инсонийлик меъёри, унинг ижтимоий мавжудот сифатидаги етуклиги тавсифи деб айтиш ҳам мумкин бўлади. Инсон бир томондан, ўзигача яратилган маданиятни ўзлаштириб моддий ашъвий ҳолатдан чиқаради ва бу билан ўз онгли фаолияти учун замин тайёрлайди, бошқа томондан эса, билим ва кадриятларини, малака ва қобилиятини, ўзининг туб инсоний моҳиятини моддийлаштириб, янгидан маданиятни яратади. Худди шу жиҳатдан ҳам, инсон фаолиятининг муҳим хоссаларига-бир томондан, мавжуд муҳит ва шароитга мослашувчанлик, кўникувчанлик, бошқа томондан, ўз ҳаётгий эҳтиёж ва манфаатлари йўлида мавжуд муҳит ва шароитларни ўзгартиришга, мослаштиришга-эътиборни қаратиш маданиятнинг моҳиятини очиб беришда алоҳида ўринга эга.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, маданиятни фалсафий таҳлил қилишда фақат бирор қараш, у ёки бу ёндашув

⁴ Қаранг: Валиев А.Қ. Ўзбекистонда маданиятнинг раванқ топиши.-Т.:1994.21-б.



билангина чекланиб қолмаслик лозим. Бунга йўл қўймаслик учун, бизнингча, маданиятни ўзига хос мураккаб тизим сифатида таърифлаш маъқулдир. Зеро, *маданият*-кишиларнинг мавжуд муҳитдаги ўзлаштирувчан, мослашувчан, ўзгартирувчан, бунёдкор-ижодий фаолияти, шу фаолият усули ва шакллари, унинг маҳсули бўлмиш моддий ва маънавий қадриятлар яхлитлигидир⁵. Мавзуимизнинг бундан кейинги таҳлилини биз маданиятни шундай тушуниш нуқтаи-назаридан келиб чиқиб давом эттираемиз.

Маданият, жумладан иқтисодий маданият ҳам ижтимоий феномен сифатида инсон фаолияти, унинг йўналиши ва шакллари билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, *фаолият* оламга муносабатнинг, яъни алоқадорлик ҳолатининг инсонга хос усули сифатида, атроф муҳит билан таъсирлашуви орқали уни ўз эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мақсадга мувофиқ ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнидир⁶. Кишилар эҳтиёж ва манфаатларининг, мақсад ва интилишларининг турли-туманлиги, улар фаолиятининг хилма-хиллигини белгилаб беради. Ижтимоий-тарихий жараён давомида объектив зарурият ҳамда имкониятга мос тарзда моддий ва маънавий ёки ақлий ва жисмоний, бажарувчи ва бошқарувчи, амалий ва ғоявий вазибаларнинг ихтисослашуви билан бирга, инсон фаолиятининг турлари, йўналиш соҳалари ажралиб, алоҳидалашиб боради. Бу эса, кишиларнинг ҳамкорликдаги умумий фаолияти бўлмиш ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос соҳаларини фарқлаш имконини юзага келтиради.

Маданият таркибини фалсафий таҳлил этишда ҳам, ижтимоий ҳаёт соҳаларига мос тарзда маданият турларини фарқлаш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий маданиятни сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа маданият турларидан фарқлаймиз. Яхлит маданиятнинг турлари сифатида, улар ўзаро таъсирлашувда, алоқадорлик ва боғланишдадир. Уларнинг ҳар

⁵ Бу таъриф, маданиятга оид кўплаб таърифлашларни умумлаштириш асосида муаллиф томонида шакллантирилган бўлиб, унда фаолият орқали ёндашув асосий ўрин олган.

⁶ Фалсафий луғатлар ва қўлланмаларда берилган таърифларни умумлаштириш орқали муаллиф томонидан келтирилган синтетик таъриф.



бирида ҳам моддий (ашёвий), ҳам маънавий (ғоявий) томонларни, элементларни фикран ажратиб кўrsa бўлади. Маданиятни дифференциялашга бундай ёндашув маданият турларининг кенг тизимини ёритиш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғланишларини кўрсатиш, чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш имконини беради.

«Маданият» тушунчасининг юқоридаги қисқача таҳлили шундан далолат берадики, ушбу умумий жинс тушунча каби, унинг бир тури бўлган иқтисодий маданиятни ҳам хилма-хил тушуниш ва талқин қилиш мумкин. Бундан қатъий назар иқтисодий маданият тушунчасини фалсафий талқин қилишда аввало, унинг мазмуни, моҳияти, маданиятнинг бошқа турлари билан ўзаро алоқаси, нисбати, ўзига хос жиҳатлари ва намоён бўлиш хусусиятларини таҳлил этиб олиш зарурияти туғилади.

Иқтисодий маданият масалаларига оид манбалар, турли даврларда унга нисбатан ўзига хос қарашлар ишлаб чиқилганлигидан далолат беради.

Тарихимизнинг мустақилликкача бўлган давридаги умумий ёндашув шунда эдики, унда иқтисодий маданият кишиларнинг иқтисодий билимлари, идеологик эътиқоди ва фаол амалий хатти-ҳаракатлари синтези сифатида олиб қаралган. Иқтисодий маданият умуман маданият сингари авваламбор, ўз ичига маълум даражадаги таълимни, яъни жамланган билимлар, маълумот ва тасаввурларни олади. Бироқ, маданиятни, шу жумладан иқтисодий маданиятни фақат шуларга тенглаштириб бўлмайди. Юксак онглилик, уддабуронлик, ташкилотчилик, интизомлилик ва тежамкорликни намоён этиш ҳамда олинган билимларни амалда қўллаш билиш маҳоратини ҳам унга қўшиш зарурдир. Бундай нуқтаи назар XX аср 80 - йилларда қатор тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Иқтисодий маданиятни билимлар, эътиқод ва ижодий фаолият натижаларининг мажмуи сифатида таърифлаш эътиборга лойиқ деб топилган.

Шахс иқтисодий маданиятига унинг иқтисод соҳасидаги маълумоти ва тафаккури, эҳтиёжлари ҳамда шу йўналишдаги ижодий фаолиятини киргизиш, у инсоннинг қобилияти, билимлари ва барча имкониятларини рўёбга чиқариш



даражасини кўрсатади, деб эътироф этиш ҳам ўша даврда кенг тарқалган эди. Кишиларни жамият иқтисодий ҳаётининг турли тармоқларидаги мақсадга йўналтирилган ижодий фаолияти, унинг самарали натижаларга олиб келишини иқтисодий маданият тарзида талқин этилиши ҳам ўзига хос хулоса эди. Бу иқтисодий маданият моҳиятини кишиларнинг ижодий фаолияти, кадриятлари ва тажрибаси мажмуи сифатида тушуниш билан боғлиқ бўлган⁷.

Тўғри, бундай хулоса, таърифлаш ва талқин этишларнинг барчаси иқтисодий маданият, унинг моҳияти ва жамиятдаги ролига оид назарий қарашларнинг ривожига албатта маълум даражада аҳамиятга эга бўлган. Бироқ, ўша даврда иқтисодий маданият муаммоларини тўлиқ ва холис ёритиш имкони йўқ эди. Бунга биринчидан, иқтисодий маданият масалалари асосан «социалистик жамият», «социалистик маданият», «коммунистик тарбия» муаммолари билан боғлангани, тор синфийлик ва партиявийлик нуқтаи-назаридан ёндашилгани ва шу жиҳатдан сунъий ва чекланган ҳолда ўз ифодасини топгани сабаб бўлган. Иккинчидан, бу йўсиндаги қарашлар ҳукмрон мафкура таъсирида, маълум субъектив тезислар доирасидан чиқолмаган, объектив характер касб этолмаган. Учинчидан, иқтисодий маданият борасидаги тадқиқотларда ҳали яхши ёритилмаган ёки бутунлай ишланмаган масалалар кўп бўлиб, уларни холисона илмий тадқиқ этиш талаб этилади. Масалан, иқтисодий маданият ва шахс иқтисодий маданиятининг туб моҳияти, типлари, таъсирлашуви, шаклланиш механизми ва йўллари, функциялари, иқтисодий ўсишдаги роли ва бошқалар. Ва ниҳоят, тўртинчидан, замонавий маърифий бозор муносабатларига асосланган, демократик фуқаролик жамияти ва ҳукуқий давлат шароитида иқтисодий маданиятнинг ўзига хослиги билан боғлиқ қатор муаммолар ҳали бизда етарли ўрганилган эмас. Жумладан, иқтисодий маданиятнинг бозор муносабатларини

⁷ Қаранг: Пономарев Л.Н. Экономическая культура: сущность, направления развития. –М.:Мысль. 1987.– С. 16-17.



шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти масаласи ҳам фалсафий тадқиқ этишга муҳтож.

Ҳозирги даврда юксак иқтисодий маданиятни шакллантиришга бўлган эҳтиёж, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш жараёнида инсон ролининг ортиб бориши билан белгиланмоқда. Бундай маданият иқтисодий сиёсатга, ислохотларни бошқариш сифатига, меҳнат самарадорлигига бевосита таъсир қилади, бозор иқтисодий қонуниятларидан тўла фойдаланиш ҳамда унинг афзалликларини амалга ошириш даражасини ифодалайди. Иқтисодий маданият кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги оммавий иштирокини, иқтисодий билимлари, малака ва ишбилармонлиги, иқтисодий онги ва тафаккурининг ривожланганлиги даражасини акс эттиради. У инсоннинг иқтисодий соҳадаги фаолияти маҳсулини, жамиятда тўпланган иқтисодий тажрибани умумлашган ҳолда намоён этади. Шу жиҳатдан, иқтисодий маданият моҳиятини, шаклланиш ва ривожланиш механизмини билиш ижтимоий- иқтисодий жараёнларга таъсир этиши шакллари ҳамда усулларини топиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий маданият жамият маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида инсоннинг иқтисодий соҳадаги фаолияти, билимлари, қадриятлари ва амалий кўникмалари уйғунлигини ифодалайди. У нафақат иқтисодий жараёнларни самарали ташкил этишга, балки шахс ва жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Иқтисодий маданиятни чуқур англаш ва уни ривожлантириш замонавий бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, иқтисодий маданиятнинг шаклланиши инсон омилининг ўсиши, иқтисодий онг ва тафаккурнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, бу эса жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. World Bank. *World Development Report 2022: Finance for an Equitable Recovery*. – Washington, DC: World Bank, 2022.



2. United Nations Development Programme (UNDP). *Human Development Report 2023/2024*. – New York: UNDP, 2024.
3. OECD. *Culture and Local Development: Maximising the Impact*. – Paris: OECD Publishing, 2021.
4. Throsby D. *Economics and Culture*. – Cambridge: Cambridge University Press, 2021.
5. Florida R. *The Rise of the Creative Class (Updated Edition)*. – New York: Basic Books, 2020.
6. Абдуллаев Й., Рахимов М. Иқтисодий маданият ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни. – Тошкент: Iqtisodiyot, 2022.
7. Сафоев С., Норкулов Ҳ. Иқтисодий тафаккур ва маданият ривож. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2021.
8. Тўхлиев Н., Ҳакимов Р. Иқтисодий билим асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
9. Кузнецов В.И. Экономическая культура и её роль в развитии общества. – Москва: Юрайт, 2020.
10. Иванова Н.А. Экономическое сознание и культура в условиях рыночной экономики. – Москва: Инфра-М, 2021.